



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 20 март, № 54 (9225)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИМОМ БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ БУЮК БОБОМИЗНИНГ ОЛАМШУМУЛ МАВҚЕИГА МУНОСИБ ТАРЗДА БУНЁД ЭТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига ташрифнинг иккинчи куни Пайариқ туманида қайтадан бунёд этилган Имом Бухорий мажмуасига ташриф буюрди.



Зиёратгоҳнинг қоқ марказида буюк ҳадисшунос бобомизнинг табаррук макбараси ўрин олган. Давлатимиз раҳбари макбарани зиёрат қилди. Куръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

— Муборак Рамазон ҳайити арафасида буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратларининг руҳи покларига яна бир бор ҳурмат-эҳтиром бажо келтирмакдамыз. Бухор

рий бобомиз Куръони каримдан кейинги энг мўтабар манба бўлган ҳадислар китобини яратиб, бутун ислом оламида шухрат қозонган яна бир сиймоқдир. Муқаддас заманимиз дунёга мана шун

дай машҳур алломани бергани билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан бугун орзу-ниятларимиз рўйбга чиқди. Бу бетақорр зиёрат

гоҳни Имом Бухорий бобомизнинг оламшумул мавқеига, юксак мақомига муносиб даражада бунёд этишга муяссар бўлдик. Мана шундай табаррук маскан барчамизга муборак бўлсин, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий мажмуасида яқини етган бунёдкорлик ишлари ва яратилган шароитлар билан танишди.

Мажмуа давлатимиз раҳбари ташаббуси билан буюк муқаддас бобомизнинг ислом оламида тутган юксак мавқеи, улкан салоҳиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этилди. Зиёратчиларга ҳар томонлама қулай шароит яратилди.

Хусусан, мажмуа қошида туризм маркази очилди. Ендош 15 гектар майдонда замонавий инфратузилма яратилиб, шинам меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис нуқталари барпо этилди. Жумладан, 1 та тўрт юлдузли, 2 та уч юлдузли меҳмонхона, 22 та 176 ўринли оилавий меҳмон уйлари ҳамда автотураргоҳ қурилган. Мазкур объектлар тўлиқ коммуникация тармоқлари билан таъминланиб, ҳудудида ободонлаштириш ишлари амалга оширилган.

Натижада Имом Бухорий мажмуаси илгари бир қунда

12 минг зиёратчига хизмат кўрсатган бўлса, ҳозир қунига 65 минг нафар зиёратчини қабул қилиш қувватига эга.

Мажмуанинги ўзи Самарқанднинг, Янги Ўзбекистоннинг дурдонаси бўлиб қад ростлади. Унинг майдони 45 гектарни ташкил этади. 10 минг кишига мўлжалланган улкан масжид, маъмурият биноси, 154 устунли, миллий услубдаги муҳташам айвон қурилди.

Мажмуа таркибиде энг илгор ахборот технологиялари асосида 9 павильондан иборат ноёб инновацион музей барпо қилинди. У ислом оламида муқаддислар султони дея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намоён этади. Шунингдек, музейда Куръони каримда исмлари зикр қилинган 25 пайғамбар тарихи, Муҳаммад алайҳиссаломнинг шажараси, Макка ва Мадинадаги ҳаёти, ҳадисларнинг жамланиси ва ёзилиши ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган.

Қадамжода 14 та мовий гўмбаз, 75 метрлик 4 та минора унга улугвор қиёфа бағишлаб турилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бутун мусулмон уммати учун муқаддас бўлган, руҳий поклик, мустаҳкам имон, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, биродарлик ва бирдамлик каби юксак қадриятларни ўзида мужассам этган Рамазон ойи ҳамда муборак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, йирик халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли дин ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда.

Табриқномаларда кўп миллатли Ўзбекистон халқига тинчлик, тотувлик, фаровонлик ва равақ тилаклари изхор этилиб, мамлакатимиз билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга интилиш қатъий экани билдирилган.

Хусусан, куйидагилар ўз табриқларини йўллаган:

Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**;

Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**;

Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоган**;

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**;

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**;

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**;

Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов**;

Ўзрбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти **Шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён**;

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;

Эрон Ислам Республикаси Президенти **Масъуд Пезешкиён**;

Покистон Ислам Республикаси Президенти **Асиф Али Зардорий**;

Покистон Ислам Республикаси Бош вазири **Шайхбоз Шариф**;

Қувайт Давлати Амири **Шайх Мишъал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**;

Қувайт Давлати Валиаҳди **Шайх Сабоҳ ал-Ҳолид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ**;

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**;

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири **Нарендра Модий**;

Ўмон Султони **Ҳайсам бин Ториқ Ол Саид**;

Баҳрайн Подшоҳи **Шайх Ҳамад бин Исо ал-Халифа**;

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид Таббун**;

Фаластин Давлати Президенти **Махмуд Аббос**;

Ливия Давлати Президент кенгаши раҳбари **Муҳаммад Юнус ал-Манфи**;

Афғонистон Бош вазири вазифасини бажарувчи **Мулла Муҳаммад Ҳасан Охунд**;

Комор ороллари Иттифоқи Президенти **Ғазалий Усмоний**;

Исроил Давлати Президенти **Ицхак Герцог**;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (UNESCO) бош директори **Ҳолид ал-Ананий**;

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Нурлан Ермеқбаев**;

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори **Уларбек Шаршеев**;

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**;

Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси **Бинали Йилдирим**;

Ислам ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусайн Иброҳим Тоҳа**;

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ICESO) бош директори **Салим ал-Малик**;

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Асад Хон**;

Қўрғаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши бош котиби **Жасим Муҳаммад ал-Будайвий**;

Кавказ мусулмонлари идораси раиси Шайхулислом **Оллоҳшукур Пошозода**.

Табриқлар келишда давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 март куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган Рамазон ҳайити ва Наврўз байрами муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, биродар халқларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тиладилар.

Суҳбатда Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилишида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Товар айирбошлаш барқарор орбит бораётгани, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа устувор соҳаларда қўшма кооперация лойиҳалари илгари сурилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Томонлар, шунингдек, Яқин Шарқдаги вазиятни муҳокама қилдилар. Унинг янада кескинлашиши кенг миқоқда учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга, жаҳон иқтисодийёти рессессиясига олиб келиши мумкинлиги, вазиятни фақат сиёсий-дипломатик воситалар билангина тез фурсатда қўшма зарурлиги қайд этилди.

Бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси ҳам қўриб чиқилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадри ватандошлар!

Сиз, азизларни, бутун халқимизни эзгулик, меҳр-оқибат ва саховат айёми — муқаддас Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Шубу шукуҳли онларда барчамизни мана шундай файзли ва саодатли кунларга етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтамыз. Кейинги йилларда шакланган анъанамизга мувофиқ, мамлакатимизда Рамазон ойини муносиб ўтказиш бўйича бу йил ҳам сизлар билан, халқимиз билан биргаликда қўллаб-қўллаб ишларни амалга оширдик.

Авалло, махсус қарор асосида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги 35 йилда биринчи марта 1 триллион сўм маблаг ажратилиб, муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, беморларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш каби эзгу ишларга сарфланганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 450 миллиард сўм 600 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга моддий кўмак тариқасида йўналтирилди. Бундан ташқари, ижтимоий реестрдаги даволанш режалаштирилган 6 минг нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, жумладан, оғир касаллар операция йўли билан даволанмоқда.

Шунингдек, аҳолига 100 минг дона Рамазон совғалари тарқатилди. “Рамазон тўхфаси” лойиҳаси доирасида эса эҳтиёжманд оилалар, Мурувват ва Саховат уйларида яшовчилар ҳамда хориждаги ватандошларимиз учун 30 мингдан ортик ифторлик тадбирлари ўтказилди.

Бундай олийжаноб ишлар муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, инсон қад-

рини юксалтиришга қаратилган ислохотларимизнинг улкан амалий натижалари сифатида барчамизни хурсанд қилади.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ўз таррақийтининг янада муҳим босқичига қадам қўймоқда. Кенг қўламли янгиликлар жараёнлари туфайли ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида ўсиш ва юксалиш суръатлари ортиб бормоқда. Диний-маърифий соҳани ривожлантириш, ислом цивилизациясининг бой меросини чуқур ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, ўтган йили Бухоро шаҳрида тасаввуф таълимийининг ёрқин намоянаси, буюк авлиё бобомиз Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари номидаги илмий-тадқиқот маркази ташкил этилганини эсга олиш ўринлидир.

Бу йил эса, мана шу кутлуғ ва муборак кунларда Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Самарқанд вилоятида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасининг очилиши халқимизга ўзига хос Рамазон тўхфаси бўлди.

Бу каби эзгу ишларимизнинг давомий сифатида калом илмининг султони Имом Мотуриддиннинг Самарқанд шаҳридаги мажмуаси янгидан барпо этилмоқда. Тошкент шаҳрида эса яқин кунларда Халқаро баркиргенлик ва динлараро мулоқот маркази фаолиятини йўлга қўямиз. Ушбу марказ Ватанимизнинг миллатлар ва динлараро мулоқот ва ҳамкорлик, тинчлик ва дўстлик диёри сифатидаги нуфузини оширишга хизмат қилади, деб ишонаман.

Хурматли юртдошлар! Жаҳондаги ҳозирги гоят мураккаб вазиятда оила ва маҳаллаларда, бутун мам-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янги босқичга кўтариш, маҳалланинги Янги Ўзбекистон ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада юксалтириш, юртимизда кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш орқали инсон қадрини улуглаш, маҳаллабай ишлаш тизимини самарали йўлга қўйиш борасида катта хизматлари, жамиятимизда ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, азалий эзгу анъаналаримизни асраб-авайлаш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун куйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Каландарова Муборак Дурдибоевна — Олот туманидаги «Бувижонлар мактаби» жамоатчилик кенгаши раиси, Бухоро вилояти

Худайберганов Мадрахим Худайберганович — Богот туманидаги «Каттабоб» маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши раисининг ўринбосари, Хоразм вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Булокова Дилфуза Хотамовна — Оқдарё туманидаги «Чорбоб» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

Жанисбоева Алия Мехмонкуловна — Бўка тумани 9-оилавий поликлиникасининг «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғинидаги патронаж ҳамшираси, Тошкент вилояти
Инагамов Жовдатхон Султанович — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари
Лутфиллаева Салима Боймирзаевна — Наманган шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг «Чорсу», «Озод» ва «Фишткўприк» маҳалла фуқаролар йиғинларидаги кўкаламзорлаштирувчи — гул экувчиси, Наманган вилояти
Машарипов Юсупбай Атаханович — Эллиққалъа туманидаги «Шарқ юлдузи» овул фуқаролар йиғинининг Янги Ўзбекистон кўчаси бийи, Қорақалпоғистон Республикаси
Рахмонов Эркин Холлиевич — Ангор туманидаги «Тўлқин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хазиратулов Баходир Мирзаевич — Гулистон туманидаги «Шарқ ҳақиқати» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти
Юлдашева Мархаба Ғаймуратовна — Фариш туманидаги «Хонбанди» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Жиззах вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Аллаева Зулфия Ҳазраткуловна — Шаҳрисабз туманидаги «Мираки» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳат гуруҳи раҳбари, Қашқадарё вилояти
Саатова Зулайха Очиловна — Тошкент шаҳар бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси, бош отинийси
Ташланова Ходисахон Отажоновна — Пахтаобод туманидаги «Маърифат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти
Эназаров Иzzатилла Саибович — «Нуроний» жамғармасининг Бувайда тумани бўлими раиси, Фарғона вилояти

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Айдарова Жулдизай Разаковна — Кони-мех тумани 6-оилавий поликлиникасининг «Тўққизтепа» маҳалла фуқаролар йиғинидаги оилавий шифокори, Навоий вилояти

«Содиқ хизматлари учун» медаллари билан

Ахмедов Санжар Бахтиёрвич — Ромитан тумани ички ишлар бўлимининг «Қумработ» маҳалла фуқаролар йиғинидаги профилактика катта инспектори, Бухоро вилояти
Мамаджонов Дөнёрбек Икромжон ўғли — Мингбулак тумани ички ишлар бўлимининг «Бирлашган» маҳалла фуқаролар йиғинидаги профилактика катта инспектори, Наманган вилояти

«Жасорат» медаллари билан

Хайитов Сайитназар Атоқулович — Иштихон туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, темирчи уста, Самарқанд вилояти
Юлдашева Мохидил Шадманбековна — Андижон шаҳридаги «Яхши» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Андижон вилояти

«Соғлом турмуш» медаллари билан

Ёдгоров Улугбек Бахтиёрвич — Данғара туманидаги «Фирдавс Юнусов» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти
Турабова Лутфия Нормуниновна — Пахтачи туманидаги 4-оилавий болалар уйи раҳбари, Самарқанд вилояти
Юлдашева Муяссар Таировна — Мирзо Улугбек туманидаги «Оқибат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

«Келажак бунёдкори» медаллари билан

Абдуллаев Йигитали Сайдулло ўғли — Жарқўрғон туманидаги «Young Adults» ўқув маркази директори, Сурхондарё вилояти
Аҳмадов Сирожиiddин Содиқ ўғли — Гулистон шаҳридаги «Ибратли» маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, Сирдарё вилояти
Мухитдинов Низомиддин Нажмиiddин ўғли — Зангиота туманидаги «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, Тошкент вилояти
Холматов Меҳроब्бек Эркин ўғли — Чилонзор туманидаги «Тирсақобод» маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, Тошкент шаҳри

«Шухрат» медаллари билан

Ахмедов Қиличбек Дадапариевич — Олтиарик тумани «Зилот» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Фарғона вилояти

Байжанова Мақсуда Худайбергеновна — Урганч тумани солиқ инспекциясининг «Чўлобод», «Оёбоб» ва «Янги Уртабод» маҳаллаларида бириктирилган давлат солиқ катта инспектори, Хоразм вилояти
Икромов Давронбек Илхом ўғли — Пискент тумани «Навоий» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Тошкент вилояти
Қазаббаев Полат Торебаевич — Кўнград туманидаги «Таллик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Касимова Хасият Улуковна — Сурхондарё вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси, бош отинийси
Қодиров Аслиддин Бахтиёр ўғли — Галларол туманидаги «Маданият» қишлоқ фуқаролар йиғинининг комплекс ихтимомий хизмат кўрсатувчи ходими, Жиззах вилояти
Қодирова Муфаззал Арслоновна — Андижон вилояти тарбиячилар гуруҳи раҳбари
Муродов Шобур Ганиевич — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг миллий кадрларнинг мустақамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўлими бош мутахассиси
Соҳиева Гулшод Жобборовна — Қамаш туманидаги «Ғиштли» ва «Бойбўри» маҳалла фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар фаоли, Қашқадарё вилояти
Усмонов Зухриддин Мухиддинович — Бухоро тумани «Шехонча» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Бухоро вилояти
Ҳакимов Даврон Нурмухаммадович — Поп туманидаги «Voviy trade center» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти
Хасанова Фарида Рахматуллаевна — Сергели туманидаги «Фароғатли» маҳалла фуқаролар йиғинининг комплекс ихтимомий хизмат кўрсатувчи ходими, Тошкент шаҳри
Худойқулова Мунира Суннатиллоевна — Нурота туманидаги «Munira New Brand» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти
Эгамбердиев Фаррух Усманиевич — Янгибод тумани солиқ инспекциясининг «Шодлик» ва «Дўстлик» маҳаллаларида бириктирилган давлат солиқ бош инспектори, Жиззах вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2026 йил 19 март

ИМОМ БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ БУЮК БОБОМИЗНИНГ ОЛАМШУМУЛ МАВҚЕИГА МУНОСИБ ТАРЗДА БУНЁД ЭТИЛДИ

Давлатимиз раҳбари туризм маркази ва масжидда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Маълумки, бир ярим минг йиллик ислом тарихини, илм-маърифатини юртимиздан етишиб чиққан буюк олим уламо-ларнинг номларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу кунларда расман очилган Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ҳам бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди.

Бутун мусулмон оламида ҳадис илми ҳақида гап кетса, ёш шубҳасиз, бизнинг диёримиз бичринчилар қаторида тилга олинмади. Чунки Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк ҳадисшунос олимлар айнан мана шу замин фарзандларидир.

Хусусан, Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий» китоби дунёда тан олинган энг мўътабар олтинта ҳадис китобининг биридир. Ун ёшидан бошлаб ҳадис илмини ўрганган аллома бобомиз 20 дан ортик асарлар ёзганлар. Улар то хануз дину диёнатиимизни мустақамлаш йўлида ислом умматига хизмат қилиб келмоқда.

Президентимиз ҳар гал Самарқандга келганида мажмуани курилиш жараёни билан танишиб, бу жой фақат зиёрат эмас, илм-маърифат, тарбия ва ибрат маскани бўлиши, Имом Бухорийнинг буюк изланишлари, билими ҳамда камолоти зиёратчилар, айниқса, ёшлар учун эзгу намуна бўлиши кераклигини таъкидлаганди.

Ушбу бетакрор курилиш Янги Ўзбекистоннинг улкан имкониятларини яққол намойён этди. Зиёратгоҳ халқимиз учун, жондаги барча мусулмонлар учун эзгулик ва маърифат нурини таратадиган кутлуғ масканга айланади, деб ишонаман. Аминман-

ки, бу даргоҳни зиёрат қилиб, унинг маънавий муҳитидан баҳраманд бўлган инсон, айниқса, ёшлар ислом динининг асл маъносини англаб етати, тўғри йўлдан адашмайди, — деди Президентимиз.

Шунинг учун ҳам Имом Бухорий мажмуасида маънавий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, уни чинакам тарбия ва ибрат мактабига айлантириш, бу ерда имом-хатиблар, маҳалла фаоллари учун малака ошириш дастурларини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Бу ердаги барча ишлар якунига етганини ҳисобга олиб, янги курилган муҳташам масжидда Ҳайит наомзини адо этиш тақлиф қилинди, бу мўмин-мусулмонларимиз, бутун эл-юртимизнинг кўнглидаги иш, халқимизга муносиб Рамазон совғаси бўлиши таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифи давомида Самарқанд шаҳридаги Имом Мотуридидий ёдгорлик мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ, ўтган йили юртимизда ақида илмининг асосчиси Абу Мансур Мотуридидий таваллудининг 1155 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан Самарқанд шаҳридаги Чокардиза қабристонини худудида Имом Мотуридидий мажмуасини қайта тазмирлаш ва ободонлаштиришга қарилмоқда.

Айни пайтда мажмуа ва унинг атрофида курилиш-ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Умумий майдони 10,2 гектар бўлган худудда Имом Мотуридидий мажмуаси қайта курилиб, 250 ўринли масжид, кириш пештоқи, илмий марказ, кутубхона, музей ва автотураргоҳ бунёд этилмоқда.

Шунингдек, курилиш ишлари жараёнида Чокардиза қабристонидан буюк фақиҳ Бурхониддин Марғинойий дафн этилган жой ҳам аниқланиб, бу ерда макбара куриломоқда.

Алломалар ёдга олиниб, Қуръон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишларини кўздан кечириб, ушбу маскан дунё мусулмонлари талпинадиган зиёрат манзилларидан бири эканини қайд этиб, бу ерда улур учун замон талабларига мос шароит яратиш зарурлигини таъкидлади.

— Мажмуага келган киши, аввало, Имом Мотуридидий бобомизнинг илмий-маънавий мероси, ислом оламида тугган мавқеи ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлиши, алломанинг маърифатпарвар қарашлари бугун ҳам долзарблигини ҳис қилиши керак, — деди Президент.

Курилиш сифатли ва ўз вақтида бажариши, худудда яшил майдонларни қўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Ҳизр мажмуасида бўлиб, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов мақбарасини зиёрат қилди.

Қуръон оятлари тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Бугунги айём кунларида улур аждодларимиз ва бу дунёдан ўтган яқинларимизни ёд этиш, уларнинг эзгу ишларини эслаш хайрли амаллардан экани таъкидланди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Самарқанд вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

МИЛЛИЙ КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБИ



Кеча Олий Мажлис Сенатида Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Ҳисобот даврида одам савдосига қарши курашиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди, ушбу тадбирлар профилактика ишларини кучайтириш, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни барвақт аниқлаш, уларга ҳуқуқий баҳо бериш, айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш, жабрланувчиларни химоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Бундан ташқари, миграция соҳасида тартибли меҳнат миграциясини кенгайтириш мақсадида ривожланган хорижий давлатлар билан ҳуқуматлар оро келишувлар имзоланди, хорижда ишлаш учун фуқароларни тайёрлаш тизими янада кенгайтирилди.

Хорижий давлатлардаги меҳнат муҳожирилари химоя қилиш мақсадида мутасадди идоралар томонидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ушбу йўналишда жабрланган ёки қийин ҳолатга тушиб қолган фуқароларга консултик-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди, уларни Ватанга қайтариш чоралари кўрилди.

Йиғилишда муносиб меҳнат ва одам савдосига қарши курашиш соҳаларида йўл қўйилган камчиликлар ҳам танқидий таҳлил қилинди.

Миллий комиссиянинг 2026 йил учун устувор вазифалари белгиланди. Халқаро меҳнат конференциясининг 2025 йилда Женева шаҳрида бўлиб ўтган 113-сессиясида Ўзбекистоннинг бола-лар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасидаги йўтуқлари эътироф этилди.

Йиғилишда одам савдосига қарши курашишда профилактика, каноиятларни фох қилиш ва жабрланган шахсларни химоялашга қаратилган чоралар изчил давом эттирилгани таъкидланди.

Хусусан, Жиноят кодексига одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар учун жазо чоралари халқаро ҳуқуқ нормаларини асосида янада кучайтирилди, Одам савдосига қарши курашиш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.

«Халқ сўзи».

САМОДАГИ САМАРҚАНД

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг вилоятимизга ташрифидан кейинги ўйлар

Самодаги Самарқанд... Ҳа, мен уч минг йиллик тарихга эга бу шаҳарни Президентимиз Шавкат Мирзиёев самога кўтарганига, юксалтирганга, унга қайтадан умр бағишлаганига гувоҳ бўлганим учун шундай таърифлапман. Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ҳар бир ташрифи замирида жуда катта орзуларни, тарихий армонларни кўраман. Бу орзулар Самарқанднинг бугуни ва эртасида акс этмоқда, бундан салкам 25 йил муқаддам кўнгилдан ўтказилган, лекин амалга оширишининг имкони бўлмаган ишларнинг ижобати сифатида намойён бўлаётир.

Ифтихор

Мен Самарқандга раҳбар бўлган инсонларнинг камида 50 йиллик фаолиятини таҳлил қила оламан. Уларнинг хизматларини камситмаган ҳолда, айтаманки, бирор-бир раҳбар Самарқандни Шавкат Мирзиёев даражасида яхши кўрганни, кадрлаганини, обод қилганини, Самарқанднинг мамлакатимиз ва дунё тарихида тугган ўрнини, мавқени жойига қўйганини, тарихий адолатни тиклаганини билмайман. Бу сафарги ташриф ҳам Самарқанд учун тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Қайси бирини айтиш? Самарқанддан Нарпайдага ҳаракатланиб борган «Жалолиддин Мангуберди» поездининг? Ёки ўз кўзларим билан кўрган Нарпайдаги муъжизаларини? Бир пайтлар пахта етиштиришдан, хомашё топширишдан нарига ўтолмаган қишлоқ, туманларимизнинг янгича қиёфасини? Тилим лол.

Президентимиз ўн йил қишлоқ туманларини сановатлаштириш сиёсатини олиб борди. Бундай жараён мустабид тузум йилларида ҳам, мустақиллигимизнинг йигирма беш йилида ҳам ҳаёлимизга келмаган, тушимизга кирмаган эди.

Бир пайтлар номига очилган қўшма корхоналарни, ишламай ётган завод-фабрикаларни ҳам кўрганмиз. Лекин бугунги сановатлаштириш, туб мухиятига қаралганда, бутунлай бошқача — замонавий. У жаҳон бозорига талаб энг юқори бўлган маҳсулотларни ўз ичига олади. Бу сановат корхоналари туманлар иқтисодиятида туб бурилиш ясади. Одамлар тақдирини ўзгартиради, ҳаёт сифатини оширади. Керак бўлса, ўша туман, қишлоқ номини, брендини бутун дунёга намойиш қилади. Минглаб иш ўринлари яратилади. Минглаб оилалар турмуш даражасини кўтарди. Қишлоқ инфратузилмасини яхшилайди.

Президентимиз англаётган ҳақиқатларни тушунадиган, кадрлайдиган, муҳимлигини ҳис этиладиган авлод камолга етмоқда. Орзуимиздаги мамлакатни қурайдиган

ёшлар улғаймоқда. Давлатимиз раҳбари Самарқанддаги Ёшлар креатив парки билан танишганда куйидаги фикрни алоҳида таъкидлади: «Янги Ўзбекистонда юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишимиз, юқори даражадаги иш жойлари очилапти. Биз буни сизларга — билимли ёшларга ишониб қўляпман. Бунинг учун ҳар дақиқангиз келажатингиз учун хизмат қилиш, дўстингиз китоб бўлинг. Бирор билимини чуқур эгаллаш ва тўғри йўлни топиш учун инсонга диққат, сабр-тоқат, иштиёқ керак. Мана шу иштиёқингиз сўнмасин. Сизлар бераётган тақлифлар



Шавкат Мирзиёев Самарқандда.

лида, Президентимиз белгилаб берганидек, камбағалликка қарши бемалол сановат ва билим билан кураша билади. Бугун бунга барча имконият ва асослар бор.

Мустақиллигимиз дастлабки 25 йилда ҳаёт бундан-да оғир бўлган. Аҳолининг турмуш даражаси паст эди. Лекин ўшанда ҳам ҳеч ким камбағаллар муаммоси ҳақида ўйлагани йўқ. Уларнинг борлигини ҳаммамиз билардик. Лекин расмий доираларда на айтиларди, на тан олинарди. Энди Президентимиз ташаббус билан ҳам айтиляпти, ҳам тугатиш юзасидан жуда муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

«Самарқанд ислом дини тарихида, тараққиётида алоҳида ўрин тутадиган ҳудуд ҳисобланади. Ташрифи давомида Президентимиз Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди. Мазкур мажмуада давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига барчамиз гувоҳимиз. Бугун мажмуа нафақат Самарқандимиз ёки мамлакатимиз, балки бутун ислом оламининг диққат марказида бўлиб турибди.»

бизнинг ислохотларимиз гоёсига мос, мен ҳар қандай тақлиф ва ташаббусларингизни қўллаб-қувватлашга тайёрман».

Президентимиз Самарқанднинг нафақат иқтисодияти, балки маърифатини юксалтириш йўлида ҳам аниқ режаларга эга. Хусусан, худудни аниқ ва табиий фанлар бўйича олимпиада, форум ҳамда илмий конференциялар ўтказиладиган халқаро хабга айлантириш гоёси мени жуда қувонтирди. Қалбимда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Бугун Самарқанд Мирзо Улугбек даври илм-зиёсга қайтганидан, маърифати уйғонганидан бошим осмонга етди.

Президентимиз ишсизлик ва камбағаллик борасида ҳам жуда муҳим фикрларни илгари сурди. Назаримда, шу улғай куналариде айтилган тақлифлар, фикрлар ижобат бўлади. Самарқанд мисо-

Кимлар учундир осондек туюлган бундай мураккаб масалани бартараф этишининг ўзи бўлмайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда, аввало, боқимандаликни одамлар онгу тафаккурдан қириб ташлаш, камбағалликни мерос қолдирмаслик, авлоддан-авлодга ўтказмаслик учун жуда катта ишлар олиб бериломоқда.

Бу ҳақиқатни, ҳатто халқаро экспертлар ҳам тан олмақда. Президент Самарқандда ҳам бу ҳақда тўхтади. Аниқ режа ва чора-тадбирлар белгиланганини эълон қилди. Вилоятда 100 минг аҳолини доимий иш билан таъминлаш, 31 минг оилани камбағалликдан қиқариш ва вилоятини ишсизлик ҳамда камбағалликдан холи худудга айлантириш шарт ва зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бу мақсадлар учун маблағ ажратилди. Мутасаддиларга тегиши топшириқлар берилди. Назаримда, 2026 йил 18-19 март

кунлари Самарқанд тарихига олтин харфлар билан ёзилган саналар бўлиб қолади. Чунки Президентимиз ташрифи давомида туризм бўладини, иқтисодияти, инвестициями, қишлоқ ҳўжалигини — барча-барча масалалар таҳлил қилиниб, улур бўйича вазифалар, режалар белгилаб олинди.

Самарқанд ислом дини тарихида, тараққиётида алоҳида ўрин тутадиган ҳудуд ҳисобланади. Ташрифи давомида Президентимиз Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди. Мазкур мажмуада давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига барчамиз гувоҳимиз. Бугун мажмуа нафақат Самарқандимиз ёки мамлакатимиз, балки бутун ислом оламининг диққат марказида бўлиб турибди.

Имом Бухорий мажмуасининг очилиш маросимида Президентимиз айтган сўзлар қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди: «Муборак Рамазон ҳайити арафасида буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратларининг руҳи покларига яна бир бор ҳурмат-эҳтиром баҳо келтирмоқдамиз. Бухорий бобомиз Қуръонни қаримдан кейинги энг мўътабар манба бўлган ҳадислар китобини яратиб, бутун ислом оламида шухрат қозонган улғу сиймоидир. Муқаддас заманимиз дунёга мана шундай машҳур алломани бергани билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан бугун орзу-ниятларимиз рўёбга чиқди. Бу бетакрор зиёратгоҳни Имом Бухорий бобомизнинг оламшумул мавқеига, юксак мақомига муносиб даражада бунёд этишга муяссар бўлдик. Мана шундай табарруқ маскан барчамизга муборак бўлсин!»

Вақтлар ўтади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилган ишларга тарих ҳам ўз баҳосини беради.

Мақоламизни «Самодаги Самарқанд» деб номлаганимиз бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари ташрифида, эътиборидан, меҳридан самарқандликларнинг боши осмонга етди. Бугун кўна Самарқанд учун юксалишининг янги даври бошланди. Би ҳам буюк аждодларимиз каби кўзимизни юксакларга, самоларга, буюк манзилларга тик-канмиз.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Абдулла Орипов таваллудининг 85 йиллиги

РУҲИЯТ ВА ТАФАККУР ФАСЛИ

Замонавий ўзбек шеърятининг забардаст вакили, мутафаккир шоир Абдулла Орипов фалсафасида баҳор ва Наврўз мутлақо бошқача, фавқулодда теран моҳият касб этади.

Ижодкорнинг "Наврўз" шеъри фикримизнинг эркин далили бўла олади. Одатда, қаламқашлар баҳорнинг ташрифиди боғлардан, қор суларидан кидиради.

Қоялар кўксиди шодмон, бекайгу, Оний умри билан соланар чечак. Баҳор — энг покиса шобдолар бу, Баҳор — энг тоза бир шамолдир демек.

Адиб фалсафасида баҳор, бу — энг тоза шамол! Нега айнан шамол? Чунки шамол тўхтаб турмайди, у тошқотган ақидаларни, дилни занглатган губорларни супуриб ташлайди.

Авал юрагинга мўралади у, Сўнра кўртакларга ўртади сўз. Заминнинг кўзидан қочади ўйку, Демак, Баҳор келди, Келмоқда Наврўз.

Ҳўш, асл уйғониш қаерда юз беради ўзи? Йўқ, баҳор аввал дарахтга келмайди. У аввал юракка кириши шарт! Сўзнинг фикрий-маърифий илдизига диққат қилсак, шоир бу ўринда инсон қалбини бутун коинотнинг маркази сифатида кўрсатяпти.

Ўз-ўзидан кўринадики, Абдулла Ориповнинг тафаккур мезони шу қадар юксакки, у Наврўзни шунчаки байрам сифатида эмас, балки руҳиятга кириб келувчи нури илоҳий сифатида талқин қилади.

Шоирнинг "Баҳор шамол" шеърига шунчаки пейзаж лирикиси сифатида қараш мутлақо хато дидир. Адабиётни, хусусан, шеърятни фақат маънавий ўлчовлар билан баҳолайдиганлар бу шеърни ўқиб, "шоир табиат кўйинга, тоғу тошга сайилга чиқишни орзу қилибди-да" деб ўйлаши хеч гап эмас.

Баҳор келаётир, Тоға, мусаффо. Мовий кенгликларда ўйнайди шамол. Даралар кўйинда зангор бир ҳаво, Туманли шаҳр ичра ёлмоқлик малол.

Ҳўш, шоир нега "туманли шаҳр"дан безиб, "мовий кенгликлар"га талпинади? Унга нима "малол" келмоқда? Бу ердаги "туманли шаҳр" фақатгина баланд бинолар, кўчалар эмас. Бу — инсонни ўз аслиятидан узоклаштирувчи, сохта муносабатлар, худбинлик, кибр ва манфаатлар қуршаб олган гафлат макони!

Шоир баҳорни очилаётган гуллар ёки яшиллик эмас, балки айнан ҳаракат, айнан покла-ниш сифатида таърифлайди:

Баҳор-ку ўтади шамолдек шибоб, Майли, ўтажак у ва ўтар бўлсин. Азизим, умрингда ҳаво бўлсин соф, Умринг шамоллари муаттар бўлсин...

Даҳонинг тафаккури шу ерда намоён бўлади: шоир табиатдаги баҳорнинг ўткинчи эканини тан олади. Мухими, бу эмас! Мухими — сенинг ички дунёнгдир, эй одами! "Умрингда ҳаво соф бўлсин" дегани — виждонинг тоза, иймонинг бутун, ниятларинг мусаффо бўлсин, дегани эмасми?!

Демак, Абдулла Орипов шеърятда баҳор диққатназар муҳитдан чиқиб, инсон ўз руҳини илоҳий покликка, ҳақониятга очиши учун берилган муборак бир ғурсат, поклашни рамзи дидир.

Одамзод зулмат ичида қолганда нури қанчалик интиқиб кутмасин, нур келган, унинг қадрига етадими? Совуқдан дийдираган вужуд илиқлики қанчалик соғинмасин, қуёш чиққанда унга садоқат кўрсата оладими? Мумтоз адабиётимизда баҳор фасли вафо ва бевафоликнинг, умид ва ироданинг энг катта синови майдон сифатида талқин қилинади.

Абдулла Ориповнинг 1991 йилда — миллат ҳаётида, юрт тарихида буюк эврилишлар, улўқ бир тўлқинлар юз бераётган ўттиз даврида ёзган "Вафо қилурмисан, баҳорим?" номли шеърига шунчаки табиат манзараси сифатида қараб бўладими? Мутлақо йўқ! Бу шеърда бутун бир миллатнинг, бутун бир инсониятнинг қонли ва ҳасратли кечмиши ҳамда эртанги кундан кутаётган нажоти муҷассам:

Ёз ўтди, кўз ўтди, қаш ўтди, Бошлардан синоғли иш ўтди, Юракка изғирин — ниш ўтди, Вафо қилурмисан, баҳорим?!

Нима учун шоир баҳорга қарата "вафо қилурмисан?" деб илтижо қилмоқда? Ахир баҳор табиат ҳодисаси-ку, унда вафо ёки бевафолик бўлиши мумкинми? Бу ерда "баҳор" сўзи ўзи-

нинг луғавий қобигидан аллақачон чиқиб кетган. У — хуррият, адолат, эзгулик ва нажот тимсоли! Шоир юрагига "изғирин" қадаган, миллатнинг бошидан "синовли иш" бўлиб ўтган ўша узок қиш қатагонлар, ёлғонлар, риё ва кишанлар даври эди. Энди у туғди. Энди Наврўз (янги кун, янги давр) келмоқда.

Абдулла Орипов бутун борлиги билан кириб келаятган Баҳордан (хуррият ва аслиятдан) алдамаслиқни, бу сафарги умидлар саробга айланмаслиқини сўрамоқда.

Лоланинг лаблари хандадир, Дони ҳам тубида — андадир. Уқашши руҳ ила тандадир, Вафо қилурмисан, баҳорим?!

Мана, ҳақиқий фалсафий ташбеҳ! Лоланинг лаби қулиб турибди (зоҳирий шодлик, баҳор наъшаси), лекин унинг тубида — юрагиди қўқора доғи бор. Бу нима? Бу — шоирнинг, эйбли ва дардчил Инсоннинг айни ўзи-ку! Унинг ҳам ташқариси (тани) келган баҳордан, муस्ताқилликдан, ёруқ кўнлардан қулиб турибди, аммо руҳида, кўнглининг энг тубида ўтган йўқотишларнинг, сотқинликларнинг, ҳўрликларнинг қора доғи.

Дийдорас бизнингдек хор билан, Вафо қилурмисан, баҳорим?!

Шоир баҳорнинг олдида ўзини "хор" деб атамоқда. Чунки у узок давом этган қиш (жаҳолат ва зулм) ичида қарчади, толиқди. Маърифий нуқтан назардан олиб қараганда, бу ердаги вафо тилаш — инсоннинг илоҳий раҳмат олдидаги охириги умидидир. "Мени ўзимнинг нафсимга, жаҳолатимга, яна ўша эски гафлатимга ташлаб кетма. Менга вафо қил, токи менинг руҳим ҳам сенга вафодор қола билсин!" демоқда шоир.

Демак, Абдулла Орипов ижодида баҳор ва Наврўз бу қўр-қўрона такроланмайдиган табиат ҳодисаси бўлмай, балки инсон виждонини, хотирасини ва иродасини синовдан ўтказадиган илоҳий ғурсатдир. Бу фасл инсонни кибр ва гафлатдан туширади, умринг бебаҳолигини ва ҳар бир нафаснинг ғаниматлигини эслатади.

Бугун Наврўзни нишонлаётган ҳар бир юртдошимиз Абдулла Орипов сатрларини фақат тилда эмас, дилда ўқиши, ботинига назар ташлаб, ўзига-ўзи савол бериши шарт: "Ҳўш, мен-чи? Мен асл баҳорни соғиндимми? Юрагимда, шуруимда Наврўз бошландими ёки ҳануз гафлат қишида ётибманми?" Агар шу саволга виждонан жавоб топа оласак, демак, мутафаккир шоирнинг даввати бизнинг қалбини мизга етиб борибди. Демак, баҳор чиндан ҳам руҳиятимизга мўралабди!

Мунижон ҲАКИМОВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим.

РЕКЛАМА



Барҳаёт сатрлар

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?

Уйғонувчи боғларни кездим, Топай дедим қирдан изингни. Яноғиндан ранг олган дедим, Лолазорга бурдим юзимни, Учратмадим аммо ўзингни, — Сен баҳорни соғинмадингми?

Узоқларда залворли тоғлар Хаёлимни келдилар босиб. Кечди қанча шитзор чоғлар, Васлинг менга бўлмади насиб, Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғариб, — Сен баҳорни соғинмадингми?

Ўнғирларда сакрайди оху, Наъматакда саъва миттижон. Қорлиқлардан ситқарилган сув, Дараларда уради жавлон. Ниғоҳимдан фақат сен пинҳон, — Сен баҳорни соғинмадингми?

Мана, бузун Наврўзи олам, Дўстларимга гуллар тутарман. Қайлардасан, севеши эркам, Қўлимда гул, сени кутарман, Умрим бўйи чорлаб ўтарман, — Сен баҳорни соғинмадингми?

Advertisement for fido-biznes featuring a background of white flowers and promotional text in Uzbek.

19 мартдан бошлаб Тошкент — Дубай — Тошкент йўналишида мунтазам рейслар тикланди.

Footer section containing contact information for 'Халқ сўзи' newspaper, including address, phone numbers, and website details.



ДАВЛАТ ҚАРЗИ 39 ТРЛН. ДОЛЛАРЛИК КЎРСАТКИЧДАН ЎТДИ

АҚШ Молия вазирлиги материалларида таъкидланишича, 18 март ҳолатига кўра, мамлакатнинг жами қарз мажбуриятлари ҳажми тахминан 39,03 трлн. долларни ташкил этган.

Эслатиб ўтамыз, глобал молиявий шароитларнинг юмшаши, АҚШ долларининг заифлашиши ва асосий марказий банкларнинг муросали сиёсати туфайли 2025 йилнинг иккинчи чораги охирида жаҳон қарзи рекорд даражага — 337,7 трлн. долларга чиққанди.

ЯҚИН ШАРҚДАГИ МОЖАРО ТУФАЙЛИ ОЧИЛҚАН АЗИЯТ ЧЕКУВЧИЛАР КЎПАЙИШИ МУМКИН

БМТ Жаҳон озиқ-овқат дастури ижроси директори ўринбосари Карл Скаунинг маълум қилишича, агар Яқин Шарқдаги можаро июнь ойигача давом этса, нархларнинг кўтарилиши яна 45 млн. кишининг ўта очлик ҳолатига тушиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Унинг сўзларига кўра, бу дунёдаги очлик рекорд даражага етишини аналтади. Ҳозирда бутун жаҳон бўйлаб айнан шу муаммодан азият чекаётганлар сони 319 млн. кишини ташкил этмоқда, бу эса аллақачон тарихий максимум кўрсаткичдир.

Яқин Шарқдаги уруш жаҳон озиқ-овқат инқирозини келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида "Financial Times" нашрида ҳам ёзишган эди.

ДЕПУТАТДАН НООДАТИЙ ТАКЛИФ

Қозоғистонлик депутат Бақитжан Базарбек ҳафтанинг жума кунларида давлат хизматида ишлаш ўрнига китоб ўқишни таклиф қилди. Бу ҳақда у давлат хизмати ҳақидаги қонун лойиҳаси муҳокамаси вақтида сўз очди.

"Президент китоб ўқиш кераклиги ҳақида бир неча бор айтди. Шу сабабли, менинг шахсий таклифим — келажакда янги қонун доирасида ёки алоҳида тарзда ҳар жума ёки ҳафтанинг бошқа бир санасини тўлиқ маърифат ва ижодий кун қилиш керак.

Яъни ўша кунни ҳамма ишлар тўхтатилади, ҳеч қандай юклама, топшириқ бўлмайди. Давлат хизматчилари кутубхонага бориб, китоб ўқисин, бошқаларга намуна бўлсин, онгини ривожлантирсин", деди депутат.

МИЖОЗ ҲАМИША ҲАҚ

Германиянинг темир йўл концерни — "Deutsche Bahn" 2025 йилда поездларнинг кўплай кечикишлари ва бекор қилиниши муносабати билан йўловчиларга 156,1 млн. евро компенсация тўлади. Бу 2024 йилдагидан тахминан 41 млн. еврога кам, аммо 2019 йилдагидан уч баравар кўп.

Бу ҳақда концерн бошқаруви аъзоси, шахарлараро ташувлар бўлими раҳбари Михаэл Петерсон "Süddeutsche Zeitung" газетасида эълон қилинган интервьусида маълум қилди.

"Бизнинг тахминимизча, бу, жумладан, ўтган йили иш ташлашлар каби йирик фавқулодда ҳолатлар бўлмагани билан ҳам боғлиқ", деди М. Петерсон. Унинг қўшимча қилишича, ушбу харажатлар концерн учун сезиларли молиявий юк бўлиб қолмоқда.

ЯНГИ СОАТ ЎТА АНИҚ ИШЛАЙДИ

Хитой илмий-техника университети олимлари стронций атомларида оптик соат ишлаб чиқди. Асбоб шунчалик аниқки, унда бир соғиялик хатолик атиги 30 млрд. йил ичида юзага келиши мумкин, бу эса оламнинг ёшидан ҳам катта.

Экспертларнинг айтишича, асбобнинг пайдо бўлиши секунд ўлчамини қайта қўриб чиқишга олиб келиши мумкин. 1967 йилдан бошлаб, Халқаро бирликлар тизимига кўра, секунд — бу цезий-133 атомининг асосий ҳолатининг иккита ўта нозик даражалари ўртасидаги ўтишга тўғри келадиган 9192631770 нурланиш даврига тенг вақт бирлигидир. Аммо стронций атомлари соғиясига тахминан 700 млрд. нурланиш даврини бериб, янада юқори аниқликдаги ўзгаришларни таклиф қилади.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.